

Хушхабар: Қуръон мусобақасида Мустафоқул қори тақдирланди



17:18 / 31.07.2024 2007

Жорий йилнинг 23-27 июл кунлари Татарстоннинг Қозон шаҳрида Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси томонидан ташкил қилинган халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз номидан «Саййид Муҳйиддин Махдум» ислом билим юрти битирувчиси Мустафоқул қори Абдурахмонов Абдуваҳоб ўғли муваффақиятли иштирок этиб тақдирланди.

Аллоҳ таоло Мустафоқул қорининг ҳифзини бақувват қилиб, Қуръони Карим нурини таратиб юришни насиб этсин.